

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил сентябрь ойининг 30 куни жиноят ишлари бўйича Гурлан туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья Ж.Ахмедовнинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Мадаминованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Гурлан туман прокурорининг ёрдамчиси С.Матназаров, судланувчи М.Шамуратов ва унинг ҳимоячиси, адвокат А.Ядгаров, фуқаровий даъвогар вакили Ш.Джуманиязовларнинг иштирокида, Шамуратов Музаффар Абдуллаевичга оид бўлган 1-2206-2101/52-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Шамуратов Музаффар Абдуллаевич (Shamuratov Muzaffar Abdullayevich), 1976 йил 17 декабрь куни Хоразм вилоятининг Гурлан туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилалик, 3 нафар фарзанди бор, судланмаган, “Yangibozor qurilish materiallari” хусусий корхонаси раҳбари, Янгибозор тумани, Наврўз маҳалласи, Уммон кўчаси, 11-уйда яшайди, 2022 йилнинг 28 май куни ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланиб, 2022 йил 30 май куни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 2022 йил 21 июнь куни қамоқ эҳтиёт чораси “гаров” эҳтиёт чорасига ўзгартирилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2022 йил 5 июль куни олган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари, 228-моддаси 2-қисми “б” банди ва 228-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогарнинг вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Шамуратов Музаффар Абдуллаевич “Yangibozor qurilish materiallari” хусусий корхонасига ишончнома асосида раҳбарлик қилиб келиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясининг лойиҳаларни бошқариш ва қурилишни техник кузатиш бўлими мутахассиси Д.Тўлиев билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.09.2018 йилдаги 10-сонли баённомасига асосан “Обод қишлоқ” Дастуридаги объект ҳисобланган Янгибозор тумани, Ҳайват маҳалласида жойлашган 23-сонли мактабгача таълим муассасасини мукамал таъмирлаш бўйича тендер савдоларида қатнашиб, таклифлар ичида юқори баҳога ютиб олишга эришиб, “Yangibozor qurilish materiallari” хусусий корхонаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси ўртасида



тузилган 28.06.2021 йилдаги умумий қиймати 3 млрд. 048 млн. 241 минг сўмлик пудрат шартномасига асосан 23-сонли мактабгача таълим ташкилотини қуриш ва мукаммал таъмирлашда 2021 йил июль-декабрь ойларида 3 млрд. 048 млн. 241 минг сўмлик ишлар бажарилганлиги бўйича тузилган “Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома ҳисоб-фактуралари яъни Ф-3, Ф-5”ларга объектга аслида олиб келинмаган 46 млн. 832 минг 616 сўмлик 13 турдаги ускуналарни олиб келинганлиги ҳамда ҳақиқатда бажарилмаган 187 млн. 707 минг 663 сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишларини қўшиб ёзиб, сохта ёзув ва маълумотлар киритиб, уларни “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига тўлов учун тақдим қилиб, объектда смета ҳужжатларида назарда тутилмаган 167 млн. 076 минг 711 сўмлик ортиқча ишларни бажариб, жами 67 млн. 463 минг 568 сўмлик маблағларни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Суд мажлисида Шамуратов Музаффар Абдуллаевич, айбига иқдорлик билдириб, 25.02.2014 йилда ташкил этилган “Yangibozor qurilish materiallari” хусусий корхонасини ишончнома орқали раҳбар сифатида бошқариб келаётганлигини, корхона ва вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси ўртасида 28.06.2021 йилда тузилган 2924-сонли пудрат шартномага асосан Янгибозор тумани, Ҳайват маҳалласида жойлашган 120 ўринли 23-сон мактабгача таълим ташкилоти биносини қурилиши учун 3 млрд. 048 млн. 241 минг сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш белгиланганлигини, таълим муассасасида шу суммадаги қурилиш таъмирлаш ишлари бажарилганлиги тўғрисида ҳисоб-фактураларни вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси техник назоратчиси Д.Тўлиев билан бирга имзолаб, компанияга тўловга тақдим қилганлигини, қурилиш объектида 2022 йил апрель ойида АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Хоразм минтақавий филиали мутахассиси томонидан танланма усулда назорат ўлчовидан ўтказилганида 386.275.6 минг сўмлик бажарилмаган ишлар бажарилган ишлар далолатномасига қўшиб ёзилганлигини аниқланганлигини, 2022 йил май-июнь ойларида Давлат молиявий назорати бошқармаси ва бошқа мутахассислар томонидан ўтказилган қайта назорат ўлчовида 187.707.6 минг сўмлик бажарилмаган ишлар, 167 076,7 минг сўмлик ортиқча бажарилган ишлар борлиги аниқланиб, жами 20.630.9 минг сўмлик бажарилмаган ишлар бажарилган ишлар далолатномасига қўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини, шунингдек, инвентар ва моддий бойликлар кўздан кечирилганда 13 турдаги 34 дона яъни 4 дона 4 млн. 615 минг 336 сўмлик кўп қаватли марказ, 3 комплект 1 млн. 563 минг 258 сўмлик овқатланиш стол ва стуллар, 1 комплект 3 млн. 591 минг 773 сўмлик офис мебели, 1 комплект 772 минг 324 сўмлик уч қаватли ванна, 1 дона 7 млн. 282 минг 261 сўмлик метал шкаф, 1 дона 5 млн. 744 сўмлик 895 сўмлик мармет стол, 1 дона 2 млн. 306 минг 048 сўмлик нон учун метал шкаф, 1 дона 2 млн. 831 минг 990 сўмлик идиш сақлаш учун шкаф, 2 дона 3 млн. 398 минг 388 сўмлик ахлат қутиси, 1 дона 647 минг 312 сўмлик автомат насос, 2 дона 2 млн. 103 минг 762 сўмлик стол, 1 дона 7 млн. 363 минг 174 сўмлик электраплита, 15 комплект 4 млн. 612 минг 095 сўмлик болалар овқатланиши учун стол ва стул, жами 46,832,6 минг сўмлик ускуналар мавжуд эмаслиги аниқланиб, далолатнома тузилганлигини, бу камчиликларни келиб



чиқишига объектни фойдаланишга топшириш муддати келиб қолганлиги, йил якунига етиб бораётганлиги сабабли объект учун ажратилган пул маблағлари бюджетга қайтариб юборилмасдан объектни топшириб, пул маблағларини олиш мақсадида бажарилмаган қурилиш таъмирлаш ишларини бажарилган ишлар далолатномасига ёзиб, техник назоратчи Д.Тўлиев билан имзолаб тўловга тақдим этилганлигини, барча ҳисоб варақ фактураларига шахсан ўзи имзо қўйганлигини, назорат ўлчови ўтказилган вақтда объектда сметада кўрсатилмаган қўшимча ишлар бўлганини, лекин ҳужжатлаштирилмагани ва текширувчиларга ҳам тақдим қилинмаганлигини, бундан ташқари ортиқча 167 млн. сўмлик бажарилган ишлар бўлганлигини, бугунги кунда юқорида аниқланган бажарилмаган ишлар бажарилиб, 46,832,6 минг сўмлик ускуналар тўлиқ ўрнатилиб, бартараф этилганлигини, қилмишига иқрорлигини ва чин қўнгилдан пушаймонлигини, жазо тайинлашда унга нисбатан енгиллик қилишни сўраб, кўрсатув берди.

Фукаровий даъвогар вакили Джуманиязов Шавкат Атабоевич суд мажлисида Хоразм вилоят ҳоқимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси бош юристконсулти вазифасида ишлаб келаётганлигини, tender.mc.uz махсус ахборот порталининг 2021 йил 24 июндаги баёнига асосан Янгибозор тумани, Хайват маҳалласида жойлашган 120-ўринли 23-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш бўйича “Янгибозор қурилиш материаллари” хусусий корхонаси ғолиб деб топилганлигини, объектда қурилиш ишларини бажариш учун компания ва пудратчи “Янгибозор қурилиш материаллари” хусусий корхонаси ўртасидаги пудрат шартномаси 3.048.241,2 минг сўмга қилиб расмийлаштирилганлигини, мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш учун ажратилган маблағларни мақсадли сарфланиши юзасидан назорат тадбир ўтказилганлигини, мазкур объектда АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Хоразм минтақавий филиали мутахассиси З.Хаджиев томонидан танланма усулда назорат ўлчовидан ўтказилганида 386.275,6 минг сўмлик бажарилмаган ишлар борлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолат бўйича “Ишонч назорат хизмати” МЧЖ раҳбари С.Исмаилов ҳамда Х.Ишановлар томонидан қайта назорат ўлчови ўтказилганида 187.707,6 минг сўмлик бажарилмаган ишлар, лекин 167.076,7 минг сўмлик ортиқча бажарилган ишлар борлиги аниқланиб, 18.06.2022 йил кунда далолатнома расмийлаштирилганлигини, натижада “Янгибозор қурилиш материаллари” хусусий корхонаси томонидан 20.630,9 минг сўмлик бажарилмаган ишлар бажарилган ишлар далолатномасига қўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини, бундан ташқари, “Янгибозор қурилиш материаллари” хусусий корхонаси раҳбари М.Шомуродовнинг жавобгарлигида бўлган инвентар ва моддий бойликлардан жами 46.832,6 минг сўмлик ускуналар жойида йўқлиги аниқланганлигини, ҳозирги кунда корхона томонидан етказилган зарар бартараф этилганини, М.Шамуратовга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, унга енгиллик қилишни кўрсатув берди.

Гувоҳ Тўлиев Дилшод Давронбек ўғли суд мажлисида 12.01.2021 йилдан 28.03.2022 йилга қадар “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясининг лойиҳаларни бошқариш ва қурилишни техник кузатиш бўлими мутахассиси вазифасида ишлаганлигини, 2021 йилда Янгибозор



туманидаги 23-сонли МТТни қурилиши ва таъмирлаш ишларини назорат қилиб борганлигини, “Янгибозор қурилиш материаллари” хусусий корхонаси ва вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси ўртасида 28.06.2021 йилда тузилган пудрат шартномасига асосан Янгибозор тумани, Ҳайват маҳалласида жойлашган 120 ўринли 23-сон мактабгача таълим ташкилоти биноси қурилиши учун 3 млрд. 048 млн. 241 минг сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш белгиланган бўлиб, ушбу ишлар бажарилганлиги тўғрисида ҳисоб-фактураларни корхона раҳбари М.Шамуратов билан бирга имзолаб, вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига тўловга тақдим қилишганлигини, объектда 2022 йил апрель ойида мутахассислар томонидан танланма усулда назорат ўлчови ўтказилганида 386.275,6 минг сўмлик бажарилмаган ишлар бажарилган ишлар далолатномасига кўшиб ёзилганлиги, назорат ўлчовида шахсан ўзи иштирок этмаганлигини, 2022 йил май-июнь ойларида 23-сонли МТТда Давлат молиявий назорати бошқармаси мутахассиси ва бошқалар томонидан объектда ўтказилган қайта назорат ўлчовида 187.707,6 минг сўмлик бажарилмаган ишлар, лекин 167.076,7 минг сўмлик ортиқча бажарилган ишлар борлиги аниқланиб, жами 20.630,9 минг сўмлик бажарилмаган ишлар бажарилган ишлар далолатномасига кўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини, шунингдек, М.Шамуратов жавобгарлигида бўлган инвентар ва моддий бойликлар кўздан кечирилганида 13 турдаги 34 дона, жами баҳси 46.832,6 минг сўмлик ускуналар жойида йўқлиги аниқланганлигини, бу камчиликларни келиб чиқишига объект 2021 йил декабрь ойида тўлиқ фойдаланишга топширилиши зарурлигини, лекин пудратчи томонидан қурилиш-таъмирлаш ишлари тўлиқ охиригача етказилмаганлигини, у ушбу объектда қурилиш ишлари тўлиқ яқунланмаган бўлсада, қурилиш ишлари тўлиқ бажарилганлиги тўғрисида ҳисобот-фактурага имзо чекиб берганлигини, сабаби объектни фойдаланиш муддатини кейинги яъни 2022 йилга чўзилганида объект қурилиши учун ажратилган пуллар кечикиб кетишини, шу сабабли ҳисобот-фактурага корхона раҳбари М.Шамуратов билан бирга имзолаб инжиниринг компаниясига тақдим қилганлигини, ҳақиқатдан ҳам объектда қурилиш ишлари яқунланганидан кейин объектда қурилиш ишлари тўлиқ кўздан кечириб, лойиҳа смета ҳужжатлари билан солиштириб кўрганини, кўздан кечириш вақтида юқорида аниқланган камчиликлар бўлганлигини, объектда 2021 йилни декабр ойида 90-95 фоиз қурилиш ишлари яқунланганлигини, улар 100 фоиз қурилиш ишлари бажарилганлиги тўғрисида хулоса тузганлигини, пудратчи бўлса бюджетдан пул олинганидан кейин қолган бажарилмаган қурилиш ишларини бажармоқчи эканлигини айтганлигини билдириб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Аллаберганов Алибек Юлдашович суд мажлисида Хоразм вилояти Давлат молиявий назорати бошқармаси бюджет бўлими бошлиғи ўринбосари вазифасида ишлаб келаётганлигини, Янгибозор туман прокуратурасининг назорат ўлчовини ўтказиш тўғрисидаги қарорига асосан, Янгибозор тумани, Ҳайват маҳалласида жойлашган 120 ўринли 23-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш учун ажратилган маблағларини мақсадли сарфланиши юзасидан назорат тадбири ўтказилганлигини, унда пудратчи



томонидан 2021 йил давомида 3.048.241,2 минг сўмлик яъни 100% қурилиш ишлари бажарилганлиги тўғрисида ҳисоб фактура расмийлаштирилганлигини, буюртмачи томонидан пудратчига бажарилган ишлар қийматининг 95 фоизи яъни 2.895.829 минг сўм молиялаштирилганлигини, Давлат қабул хайъатининг фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси асосан объект фойдаланишга қабул қилинганлигини, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Хоразм минтақавий филиали мутахассиси З.Хаджиев томонидан танланма усулда назорат ўлчовидан ўтказилганида 386.275,6 минг сўмлик бажарилмаган ишлар борлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолат бўйича қўзғатилган жиноят иши юзасидан мутахассис сифатида жалб қилинган “Ишонч назорат хизмати” МЧЖ раҳбари С.Исмаилов ҳамда Х.Ишановлар томонидан қайта назорат ўлчови ўтказилганида 187.707,6 минг сўмлик бажарилмаган ишлар, 167.076,7 минг сўмлик ортиқча бажарилган ишлар борлиги аниқланиб, натижада “Янгибозор қурилиш материаллари” хусусий корхонаси томонидан 20.630,9 минг сўмлик бажарилмаган ишлар бажарилган ишлар далолатномасига қўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини, бундан ташқари, “Янгибозор қурилиш материаллари” хусусий корхонаси раҳбари М.Шамуродовнинг жавобгарлигида бўлган инвентар ва моддий бойликлар кўздан кечирилганида 13 турдаги 34 дона яъни 4 дона 4 млн. 615 минг 336 сўмлик кўп қаватли марказ, 3 комплект 1 млн. 563 минг 258 сўмлик овқатланиш стол ва стуллар, 1 комплект 3 млн. 591 минг 773 сўмлик офис мебели, 1 комплект 772 минг 324 сўмлик уч қаватли ванна, 1 дона 7 млн. 282 минг 261 сўмлик метал шкаф, 1 дона 5 млн. 744 сўмлик 895 сўмлик мармет стол, 1 дона 2 млн. 306 минг 048 сўмлик нон учун метал шкаф, 1 дона 2 млн. 831 минг 990 сўмлик идиш сақлаш учун шкаф, 2 дона 3 млн. 398 минг 388 сўмлик ахлат қутиси, 1 дона 647 минг 312 сўмлик автомат насос, 2 дона 2 млн. 103 минг 762 сўмлик стол, 1 дона 7 млн. 363 минг 174 сўмлик электраплита, 15 комплект 4 млн. 612 минг 095 сўмлик болалар овқатланиши учун стол ва стул жами 46.832,6 минг сўмлик ускуналар мавжуд эмаслиги аниқланганлигини билдириб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Исмаилов Сабирбой Юлдашович суд мажлисида, “Ишонч назорат” МЧЖ раҳбари бўлиб ишлаб келаётганлигини, Янгибозор туман прокуратурасининг хатига асосан, Янгибозор тумани Хайват маҳалласида жойлашган 120-ўринли 23-сонли мактабгача таълим ташкилотини мукамал таъмирланиши учун ажратилган маблағларни мақсадли ишлатилиши юзасидан назорат ўлчови ўтказишда қатнашганлигини, реконструкция қилиш бўйича “Янгибозор қурилиш материаллари” хусусий корхонаси ёлиб деб топилганини, юқоридаги баёнга асосан объектда қурилиш ишларини бажариш учун Хоразм вилояти ҳокимлиги ягона буюртмачи инжинеринг компанияси ва пудратчи “Янгибозор қурилиш материаллари” хусусий корхонаси ўртасида 2021 йил 28 июнда тузилган пудрат шартномасига асосан объект 3.048.241,2 минг сўмга расмийлаштирилганлигини, объектда, пудратчи томонидан 2021 йил давомида 3.048 241,2 минг сўмлик яъни 100% қурилиш ишлари бажарилганлиги тўғрисида ҳисоб фактура расмийлаштирилганини, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Хоразм минтақавий филиали мутахассиси З.Хаджиев томонидан танланма усулда назорат ўлчови ўтказилганида 386.275,6 минг сўмлик бажарилмаган ишлар борлиги аниқланганлигини, мазкур қурилиш



объектида қайта назорат ўлчови ўтказилганида 187.707,6 минг сўмлик бажарилмаган ишлар, 167.076,7 минг сўмлик ортиқча бажарилган ишлар борлиги аниқланганлигини, натижада “Янгибозор қурилиш материаллари” хусусий корхонаси томонидан 20.630,9 минг сўмлик бажарилмаган ишлар бажарилган ишлар далолатномасига қўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Хаджиев Зокир Юлдашович суд мажлисида АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Хоразм вилоят минтақавий филиали бош мутахассиси вазифасида ишлаганлигини, Янгибозор тумани прокуратурасининг ёзма топшириғига асосан, “Янгибозор қурилиш материаллари” хусусий корхонаси томонидан Янгибозор тумани Хайват маҳалласида жойлашган, 120-ўринли 23-сонли мактабгача таълим ташкилотида амалга оширилган қурилиш монтаж ишлари назорат тадбиридан ўтказилганлигини, пудрат шартномасига асосан объектдаги қурилиш ишлари 3.048.241,2 минг сўмга белгиланганлигини, пудратчи томонидан 2021 йил давомида 3.048 241,2 минг сўмлик яъни 100% қурилиш ишлари бажарилганлиги тўғрисида ҳисоб фактура берилганлигини, буюртмачи томонидан пудратчига бажарилган ишлар қийматининг 95 фоизи яъни 2.895.829,0 минг сўм молиялаштирилганлигини, Давлат қабул хайъатининг фойдаланишга қабул қилиш далолатномасига асосан объект фойдаланишга қабул қилинганлигини, объектда амалга оширилган қурилиш монтаж ишлари танланма усулда назорат ўлчовидан ўтказилганда жами 386.275,6 минг сўмлик бажарилмаган ишлар, бажарилган ишлар далолатномасига қўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини, жумаладан, 11 млн. 542 минг 210 сўмлик ишчилар ойлик маошлари, 772 минг 391 сўм машина ва механизмлар камомати, 141 млн. 901 минг 902 сўм қурилиш материаллари, 181 млн. 675 минг 391 сўмлик жихоз ва ускуналар жами ҚҚСсиз 335 млн. 891 минг 894 сўмлик камомат, ҚҚС 50 млн. 383 минг 784 сўмни ташкил этиб, жами 386 млн. 275 минг 678 сўмни ташкил этишини, назорат ўлчовида “Янгибозор қурилиш материаллари” хусусий корхонаси раҳбари М.Шомуратов тўлиқ иштирок этмаганлигини, фақатгина бир-икки маротаба келиб кетганлигини, ўлчов вақтида ҳам қатнашмаганлигини, бундан ташқари, унга бирорта тасдиқланган ҳужжат тақдим этилмаганлигини, у фақат туман прокуратураси томонидан тақдим этилган тасдиқланмаган таққослаш далолатномаси билан солиштирган ҳолда ўлчов ишларини амалга оширганлигини билдириб, кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчиси хулосасини, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, унинг айби, ўз айбига иқдорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, Янгибозор тумани Хайват маҳалласида жойлашган, 120-ўринли 23-сонли мактабгача таълим ташкилотида амалга оширилган қурилиш монтаж ишлари учун ажратилган маблағларни мақсадли сарфланиши юзасидан назорат ўлчови ўтказилганлиги ҳақидаги 22.06.2022 йилдаги далолатнома ва унга илова ҳужжатлар, қурилиш амалга оширилган объектлар бўйича расмийлаштирилган “Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги ҳисоб-фактура” ҳужжатлари, таълим ташкилотида хусусий корхона томонидан етказиб берилган ускуналарнинг мавжудлиги юзасидан ўтказилган хатлов натижалари бўйича тузилган 21.05.2022 йилдаги далолатнома ва унга илова ҳужжатлар,



нарсани ашёвий далил деб эътироф қилиш ҳақида қарор ва иш тўпланган бошқа объектив далиллар судланувчиларнинг айбини тасдиқлашга асос бўлади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Шамуратовнинг мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, бошқа шахс билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, ўзганинг мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишда ифодаланган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан, бир гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктириб, сохталаштирувчининг ўзи фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжат тайёрлашида ифодаланган ҳаракати ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Бироқ суд, судланувчининг ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан ортиқча квалификация қилинган деб ҳисоблаб, унинг айбидан ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмини чиқариб ташлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 1-қисмида, сохталаштирувчи расмий ҳужжатларни ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида тайёрлаши ёки қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиши учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлса, ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмида эса ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш, яъни бошқа шахс томонидан қалбакилаштирилган ҳужжатдан фойдаланиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шунингдек, амалдаги қонун мазмунига кўра, била туриб қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмида назарда тутилган мустақил жиноят таркибини вужудга келтириши, жиноий жазоланадиган ҳужжатларни қалбакилаштириш қалбаки ҳужжатларнинг айбдор томонидан фойдаланилиши айнан улардан фойдаланиш мақсадларида содир этилганлиги боис, ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмига кўра қўшимча баҳолашни талаб қилмаслиги, шундай ҳолда, ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмига кўра, ўзлари ҳужжат тайёрламаган шахслар жавобгарликка тортилиши назарда тутилган.

Иш материаллари ва судда аниқланган ҳолатларга қараганда, судланувчи М.Шамуратов иш фаолияти давомида бошқа шахс билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш, уларга сохта маълумот ва ёзувларни киритганликлари, шунингдек ўзлари томонидан қалбакилаштирилган ҳужжатдан фойдаланганликда ифодаланган жиноий қилмиши ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди диспозицияси ўз ичига қамраб олади ҳамда уни ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланган шахс деб, унинг шу ҳаракатини ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан ҳам қўшимча квалификация қилиш талаб қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 4-сонли қарорининг 9-бандида, судлар шунга эътибор беришлари керакки,



Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра: ЖК 167, 168, 170, 180, 181, 181¹,184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун - жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иш материалларига қараганда, судланувчи М.Шамуратов томонидан содир қилинган жиноят натижасида давлатга етказилган моддий зарар кўшимча ишларни бажариш ва тергов органининг депозит ҳисоб рақамига пул тўлаш орқали тўлиқ қопланган.

Шу сабабли, суд судланувчи М.Шамуратовга нисбатан жазо чораси тури ва миқдорини тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-56-моддалари талабларига риоя қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги Қароридаги раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб;

судланувчининг айбига иқрорлиги ва оилавий ва моддий аҳволини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини, содир қилинган жиноят натижасида етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, шунингдек, содир этилган жиноятларнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг содир этилган жиноятдаги ролини, судланувчининг шахсини, оилавий ва моддий аҳволини ҳамда унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари ва 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан ушбу модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, шунингдек эгаллаб турган лавозими ва иш фаолияти билан бевосита боғлиқ жиноятни содир қилган бўлсада, ЖКнинг 45-моддаси 5-қисмига асосан жиноят натижасида оғир оқибатлар келиб чиқмаганлиги сабабли унга нисбатан кўшимча жазо сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазони тайинламасликни;

етказилган зарарни қоплаш мақсадида Хоразм вилоят прокуратурасининг “Ипотека банк” АТИБ Хоразм вилояти филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган жами 20.631.000 сўмни Хоразм вилоят ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси фойдасига ўтказишни;

жиноят иши бўйича ёзма далил деб эътироф этилган бажарилган ишлар ҳақидаги ҳисоб-фактуралар ва уларга илова қилинган ҳужжатларни жиноят ишига қўшиб сақлашни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Шамуратов Музаффар Абдуллаевич (Shamuratov Muzaffar Abdullayevich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари ва 228-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Шамуратов Музаффар Абдуллаевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Шамуратов Музаффар Абдуллаевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш йўли билан узил-кесил иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан, Шамуратов Музаффар Абдуллаевичнинг 2022 йил 28 май кунидан 2022 йил 21 июнь кунигача 23 кун қамокда ўтирган вақтининг ҳар бир кунини, ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб, 2 ой 9 кунини ўталган деб ҳисоблаб, тайинланган 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан чегириб ташлаб, ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 1 йил 9 ой 21 куни ўташлик учун қолдирилсин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, судланувчининг ўзи иш фаолиятини олиб бораётган “Yangibozor qurilish materiallari” хусусий корхонасида ўтатирилсин ҳамда жазони ўташ муддати корхона маъмурияти жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан ҳисоблансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини назорат қилиш Гурлан туман ички ишлар органлари Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач Шамуратов Музаффар Абдуллаевичга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва Хоразм вилоят прокуратурасининг “Ипотека банк” АТИБ Хоразм вилояти филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган 20.000.000 сўм пул гаровга қўювчи Шамуратов Пирназарга тегишли тартибда қайтариб берилсин.

Жиноят натижасида етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Етказилган зарарни қоплаш мақсадида Хоразм вилоят прокуратурасининг “Ипотека банк” АТИБ Хоразм вилояти филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган 20.631.000 сўм Хоразм вилоят



ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси фойдасига ўтказилсин.

Жиноят иши бўйича ёзма далил деб эътироф этилган ҳисоб-фактуралар ва уларга илова қилинган ҳужжатлар жиноят ишига қўшиб сақланаётганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг вакили ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Хоразм вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши ва протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

Ж.Ахмедов

